



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши раиси
Х. Ёдгоров
2026 йил 24 июнь

Судьялар олий кенгашининг Суд ҳоқимияти ва судьяларга нисбатан аҳолининг ишончини ошириш ҳамда уларнинг имижини янада мустаҳкамлаш бўйича 2026 йил иккинчи ярим йилликда амалга ошириладиган ишлар бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

T/p	Тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддат	Масъул
1.	Кенгаш раҳбарияти сайёр қабулларини ташкил этиш	Кенгаш раҳбариятининг 2026 йил II ярмига мўлжалланган сайёр қабуллар режа-графи тасдиқлаш ва унга мувофиқ қабуллар ташкил этиш	2026 йил июль-декабрь	Н.Бобохонова, С.Талипов
2.	Одил судлов академиясида Касбий қайта тайёрлаш ва Магистратура курсларига қабул жараёнлари бўйича очиқ мулоқотларни ташкил этиш	Фуқаролар ва журналистлар иштирокида очиқ мулоқотлар, онлайн эфирлар ва кўрсатувлар ташкил этиш	2026 йил июль	А.Эшмуродов, Х.Садиков, Ш.Абдуқодиров
3.	Суд ҳоқимияти ва судьяларга нисбатан фуқораларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган омиллар рўйхатини ҳамда уни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш	1. Комплекс таҳлил асосида суд органларига нисбатан аҳолининг ишончига салбий таъсир этаётган омиллар рўйхатини шакллантириш. 2. Аҳолининг ишончига салбий таъсир этаётган омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш. 3. Таҳлилий маълумот тайёрлаш. (Мурожаатлар таҳлили асосида, Малака ҳайъатлари раисларига утказилган хизмат текширувлари асосида рўйхатни шакллантириш (моддий ва процессуал нормалардан ташқари))	2026 йил август	Г.Зиганшина, С.Давлетмуратов

4.	Судьяларнинг касбий фаолияти, ҳаёт йўли ва қадриятлари ҳақида интервьюлар тайёрлаш	1. Интервью олинадиган судьялар рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш. 2. Судьяларнинг касбий фаолияти, ҳаёт йўли ва шахсий фазилатлари ҳақида материаллар тўплаш. 3. Интервьюларни матн, видео ва аудио форматларида тайёрлаш. 4. Интервьюларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда босқичма-босқич ёритиб бориш.	2026 йил август	А.Эшмуродов
5.	Ибратли судьялар иштирокида аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қиладиган қисқа видео роликлар тайёрлаш	1. Аҳоли ўртасида энг кўп учрайдиган ҳуқуқий масалаларни аниқлаш. 2. Видеороликлар мавзулари ва иштирок этувчи судьялар рўйхатини тасдиқлаш. 3. Ҳуқуқий тушунтиришлар ва амалий мисоллар асосида сценарийлар ишлаб чиқиш. 4. Қисқа видеороликларни тайёрлаш ва монтаж қилиш. 5. Видеороликларни телевидение, ижтимоий тармоқлар ва бошқа ахборот платформаларида тарқатиш.	2026 йил сентябрь	А.Эшмуродов, С.Талипов
6.	Матбуот котиблари учун ижтимоий тармоқларда ахборот бериш стандартларини жорий этиш	1. Судлар фаолиятини ахборот майдонида ёритиш бўйича мавжуд амалиётни ўрганиш. 2. Хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш. 3. Ахборот беришнинг ягона стандартлари ва услубий тавсияларини ишлаб чиқиш. 4. Матбуот котиблари учун амалий қўлланма тайёрлаш. 5. Янги стандартлар бўйича ўқув-семинарлар ташкил этиш.	2026 йил сентябрь	А.Эшмуродов, Г.Шукурлаева
7.	Суд мажлисларини процессуал тартиб-қоидаларга риоя этган ҳолда ва ўз вақтида ўтказилишини таҳлил қилиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	1. Суд мажлисларининг кечикиши, қолдирилиши ва процессуал муддатларга риоя этилиши ҳолатини ўрганиш. 2. Муаммолар сабабларини таҳлил қилиш. 3. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2026 йил сентябрь	М.Кукиев, А.Қодиров
8.	Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш жараёнида замонавий рақамли технологиялар ва сунъий интелектдан	1. Сунъий интелект йўналишида малакаси ошириладиган судьялар рўйхатини шакллантириш. 2. Малака ошириш курсларини ташкил этиш режа-графикини тасдиқлаш.	2026 йил октябрь	Ш.Абдуқодиров, Х.Садиков

	фойдаланиш бўйича билим ва кўникмаларни ошириш.			
9.	Судья ва суд аппарати ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича малакасини ошириш.	Судья ва суд аппарати ходимларининг коррупцияга қарши курашиш ҳамда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича малакасини ошириш бўйича алоҳида режа жадвал ишлаб чиқиш ҳамда унинг асосида малака ошириш курсларини ташкил этиш.	2026 йил октябрь	Ш.Абдуқодиров, Х.Камолов
10.	Суд ишини ташкил этиш жараёни билан таништирувчи видео роликлар тайёрлаш	1. Суд фаолиятининг жамоатчилик учун қизиқарли ва муҳим йўналишларини белгилаш. 2. Судга мурожаат қилиш, суд мажлисида иштирок этиш ва электрон хизматлардан фойдаланиш тартиби бўйича сценарийлар ишлаб чиқиш. 3. Суд биноларида яратилган шарт-шароитлар ва замонавий имкониятларни акс эттирувчи видеоматериаллар тайёрлаш. 4. Суд ишини ташкил этиш жараёни ҳақидаги роликларни кенг жамоатчиликка етказиш.	2026 йил октябрь	А.Эшмуродов, С.Талипов
11.	Судьялар малакасини ошириш фаолиятини ёритишга қаратилган медиа контентлар яратиш	1. Видеороликлар, инфографика ва подкастлар тайёрлаш ҳамда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш; 2. Судьялар учун медиа саводхонлик, оммавий нутқ, стрессни бошқариш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича тренинглар ўтказиш	2026 йил ноябрь	А.Эшмуродов, А.Хамраев
12.	Суд муҳокамаси вақтида телефон ва бошқа гаджетлардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш	1. Хорижий тажрибани ўрганиш. 2. Чекловлар бўйича таклифлар тайёрлаш. 3. Тегишли тартиб-қоидаларни такомиллаштириш.	2026 йил ноябрь	Х.Садиков, Г.Шукурлаева
13.	Судьялар иштирокида ҳуқуқий подкастлар тайёрлаш	1. Подкастларда муҳокама қилинадиган долзарб ҳуқуқий мавзуларни белгилаш. 2. Подкастларда иштирок этувчи судьялар ва мутахассислар рўйхатини шакллантириш. 3. Подкастлар учун саволлар ва муҳокама режасини ишлаб чиқиш. 4. Подкастларни интернет платформалари ва ижтимоий тармоқларда жойлаштириш.	2026 йил ноябрь	А.Эшмуродов, Х.Садиков